




Бугун шонли тарихимизга назар ташлар эканмиз, гариб ва паришон кунлар орасида кўнглимизни тогдек кўтарадиган замонлар аксини ҳам кўрамиз. Дунё ахлига муаллим бўлган, бугунги замонавий илм-фаннинг таъмал тошини кўйган, соф инсоний маданият

таълимотини яратган улугларимиз, юртнинг шаъну шавкати юксалтирган жахонгирлар, фотихлар кўз ўнгимизда бир-бир намоён бўлади. Тарих катидаги бу нурли кунлардан кўнглимизга гурур ва ифтихор хислари кўчади.

Аслида кўлга киритилган бу ютук ва муваффакиятларнинг бир сири бор эди. Бу — ажодларимиз гоёсининг манбаи имон эди. Улар ўзига боғланганларни боткокликдан тортиб чиқарадиган халоскор риштани, инсон акли ўйлаб топган хар қандай ...изм-пизимлардан устун бир ҳаёт низомини тўғри топган эдилар. Бу низомнинг хар бир жумласида инсон ҳақлари, ватан ва миллат манфаати муҳофаза қилинган. Бу гоё ўчирмокчи бўлиб пуфлаганинг сайин яна-да ловуллаб ёнадиган бир олов эди. Унда миллий ва диний, рухий ва жисмоний, моддий ва маънавий ҳаёт изчиллик билан қамраб олинган. Мана шу дастуриламал миллатимизни тараккиёт пиллапояларидан дунё сахнасига олиб чиқди. Бугун ҳамма жойда — Осиёда, Африкада, Европада ва Америкада ана шу тараккиётнинг нишонларини кўришимиз мумкин. Ахир бугун Ибн Сино деса қим танимайди? Ал-Хоразмий бўлмаганда инсоният яна қанча вақт санокдан адашиб юришини бугун ҳеч қим билмайди Замахшарий бўлмаганда араблар ўзларининг грамматикасини ўзлаштирилмасликларини бот-бот тан оладилар. Аммо бир аламчи жойи бор: гарчи бугунги тараккиёт дарахтининг илдизлари бизнинг заминда бўлса-да, бошқа ўлкаларда мева берди. Бунга ҳеч қим айбдор эмас, ҳаммасига ўзимиз айбдоримиз. Асрлар ўтиши билан асл маслакдан узоклашиш бошланди. Кишилар бир-бирларининг ҳақларига риоя қилмай қўйдилар. Маънавий ҳасталик бошланди. Жохиллар жасур бўла бошладилар. Бу эса душманларимиз учун айни муддао эди. Улар бизни ўзимиздан ҳам яхши билишарди. Қуч-қудратимиз ва маънавийатимизнинг асл манбаи уларга жуда яхши маълум эди. Шунинг учун ҳам улар даставвал эътиқодимизга ҳужум қилишди. Имонимизни заифлаштириб, бизни руҳан чўктиришга бошладилар. Улар бизнинг дин ва имон атрофидаги жиқслигимизни парчалашни, қудратимизни заифлаштиришни, азму шижоатимизни синдиришни, асл максадимиздан огдиришни, йўлдан озиб, бекорчи нарсалар билан овунишимизни хохладилар. Уларнинг хоҳишлари амалга ошди. Имон заифлашди. Оммавий лохаслик ва лоқайдлик бошланди.

Тарихни варақлаймиз... "XIX аср ўрталарида бошланган рус истилоси пайтида нафакат аҳолиси қаршилик кўрсатган шаҳар ва қишлоқлар, балки масжид ва мадрасалар ҳам тўпга тутилди. Чор ҳокимиятидан кейин тарих сахнасига чиқиб, ер юзининг олтидан бир қисмини идора қилган большевиклар эса шу ваҳшийликни ўзларига ҳос изчиллик билан давом эттириб, меъморий ҳамда диний-маърифий обидаларни вайронага айлантirdилар".

"1873 йилнинг 29 май куни босқинчиларнинг ҳарбий юришлар ва қирғинбаротлар оловида тобланган кўпсонли қўшинлари қонлиқ пойтахти Хива қалъасига бостириб қирди, муқаддас жойларни оёқ ости қилди, асосий зарба диний ва миллий қадриятларга қаратилди".

Ўшанда Хива қалъасига 40 дан ортиқ қамбаракдан масжид-мадрасаларга, мақбара ва минораларга қарата тўп отилган. Шаҳарнинг айни қишлоқларда ҳам қишининг ақлини шошириб қўядиган даражадаги қаллобчи Жума масжиди тўпга қутилади пайтда масжид минорасида азон овози янграётган экан. Бу — қўнгилга тажовуз эди. Зеро, асл қудрат қўнгилдадир.

Нима бўлганда ҳам бизнинг миллий маслакларимиз, орзуларимиз парчаланиб қетди. Душманлар ичимиздаги қоғиллардан унумли қойдаландилар. Уларга бири-биридан қатарли имтиёзлар беришди. Қамонлар қелди, бу "имтиёзли"лар миллатимиз эътиқодини

бутунлай йўқотиш йўлида кўп кахрамонликлар кўрсатишди. "Худони кўрсат, отаман!", деб осмонга ўк узган бадбахтлар ҳам шулар эди. "Камсомол камсомолга халол", деб никоҳсиз оилалар барпо килганлар, отасига жаноза ўқиганни сазойи килганлар ҳам шулар эди.

Отам хикоя килади: "Бугдой ўрими авжига чиккан кунлар эди. Мохи Рамазон бошланиб колди. Саратон иссиғи ёндираман дейди. Айни кун тиккага келган пайтда узокдан раиснинг машинаси кўринди. Комбайннинг соясида гурунглашиб ўтирган йигирма чоғлик ўримчилар бирдан хушёр тортдик. Машина рўпарамизга келиб тўхтаб, раис билан яна икки нафар шляпали нусха тушди. Келганлар билан бир-бир кўл бериб куришдик.

— Ким рўза тутган? — деди шляпалардан бири ковоғини солиб.

Раиснинг ишораси билан "хеч ким" деб бош иргадик биз ўримчилар. Шунда шляпанинг иккинчиси сояда турган кўзачани олди-да, ёнида турган шофёрга узатди.

— Кани, бошла!

Шофёр ҳаммага бир-бир сув ичира бошлади. Ичимизда тўрт-беш нафар рўзадорлар бор эди. Азбаройи кўркканидан улар ҳам ичиб юборишди.

— Энди раисга бер! — деди шляпалардан бири.

— Раис бува, узр энди, биласиз, бу партия топшириги!

Раиснинг ранги кув учди. Раис асли илм-маърифатли кишиларнинг зурриёди эди. Биз яхши билардик, у киши хеч қачон рўзани тарк килмасди. Раиснинг кўллари титраб шофёри узатган кўзачани олди. Унинг кўзларидаги гилт-гилт ёшни ҳаммамиз кўриб турардик. Раис кўзачадан бир култум сув ичди-да, индамай машинага кириб ўтирди".

Не ажабки, бу "шляпалар" ҳам ўзимизники эди. Улар ўз ичимиздан мафкуравий, эътиқодий ва маданий курашлар учун танлаб олинган куллар эди. Аммо тарих гувоҳ: эзгуликни ёнгиб бўлмади! Ўша раиснинг кўз ёшлари беҳуда кетмади. Бир аср аввал Хивадаги Жума масжидида, оловлар халқасидан чикиб кўкка ўрлаган нидо Яратган зотга етиб борди. Мухташам тарих зарваракларида яна нурафшон кунларимиз кўрина бошлади.

Ха, озодлик тасодифлар махсули эмас. Негаки, мўйсафид тарих саҳифасининг қайси каторида озодлик ҳақида ёзилган бўлса, албатта унинг давомида курашлар ва қурбонлар ҳақида ҳам ёзилган. Хуррият хеч кимга, хеч қачон, хеч қаерда совга килинган эмас.

Истиклолга эришгач, биз яна эртанги кунимиз равнақини тикланажак тарих тимсолида кўрдик. Не тонғки, бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун ўз самарасини беряпти. Дунё машхурларидан бири: "Агар гафлатда ётган халқни уйғотмокчи бўлсанг, даставвал унинг тарихини уйғотгин", деган эди. Бутун тарих уйғонди. Унинг чанг босган саҳифаларида боболаримиз шижоати ҳам кўшилиб уйғонди. Ана шу шижоат бугун бизнинг калбларимизга-да, билакларимизга-да кўчяпти.

Бирок бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: хали уруш тугагани йўқ. Бўйсундириш шоуси ҳамон давом этмокда. Бу "катта ўйин"нинг услублари ўзгарган, холос.

Бу шундай услубки, эндиликда бировнинг ватанига қурол кўтариб бориш шарт эмас. Чингизхондек лак-лак черик тўплаш ҳам шарт эмас. Эндиги босқинчилик шинамгина хоналарда ўтириб амалга оширилмокда. Бутун бошли миллатларни йўқ қилиш, динидан, тарихидан, маданиятидан ажратиш, беҳуда ва бекорчи нарсалар учун миллиардлаб кредитлар ажратиш ва провардида иқтисодий қарам қилиш сингари маккор ўйинлар авжига чикмокда.

Бу шундай услубки, улар бири-биридан жозибали шиорларни ўртага ташлайдилар. Гарчи ўзлари амал килмасалар-да инсон ҳуқуқлари ва демократия ҳақида оғиз

йиртадилар. Улар авратларини бор бўйига очиб юришни демократия, эркак билан эркакнинг никоҳдан ўтишини инсон ҳуқуқлари дейдилар. Ана шундай чиркин кутку билан ўзларига махлиё килмокчи бўлишади.

Буларнинг ҳаммаси том маънода инсон калбига тажовуздир. Инсон калбини бўйсундириш унинг ватанини бўйсундиришдир. Ўз тарихидан, динидан, маданиятидан ажралган инсондан-да хатарлироқ курол бўлмайди. Бугунги "ўйин"ларнинг энг ташвишли жойи ҳам шунда.

Дарвоқе, биз ҳар доим мустакиллик ҳақида гапирар эканмиз, даставвал унинг яшаш тарзимизга берган имкониятлари хусусида айтамыз. Ваҳоланки, мустакиллик манфаат эмас, мустакиллик - масъулият. Озодлик яшаш учун эҳтиёжгина эмас, балки яшашнинг ўзидир. Озодликка факат мустакил фикр ва ақлгина эҳтиёжманд бўлади. Хурлик заминдаги ҳамма тушунчалардан юксакда туради. Дунёдаги мукаддасликларнинг энг аввали ҳам озодликдир. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, дунёда нимаики мукаддас бўлса, у химояга мухтож. Модомики, шу мукаддасликдан баҳраманд бўлишни истар эканмиз, уни ҳар ким ўз сўзи ва амали билан химоя қилишга мажбурдир.

Алишер Назар